

Қуёш системаси ҳақидаги бугунги тасаввурлар



16:15 / 25 январь 2034

Доктор Жоржио Страно шундай дейди:

«Мана бу китобда Коперник ўзининг фаразларини баён этган. Унга кўра, қуёш қўзғалмас марказ бўлиб, Ойдан бошқа барча сайёралар унинг атрофида ўз орбитаси бўйлаб айланади».

Унинг назарияси ушбу диаграммага асосланган бўлиб, у нима учун сайёралар баъзан айлана эмас, тўғри чизиқ бўйлаб ҳаракатланишини изоҳлар эди».

«Бу - биринчи айлана. Иккинчи айлананинг маркази биринчи айлана бўйлаб, сайёра эса иккинчи айлана ҳаракатланади. Натижада ушбу қурилманинг диаметри бўйлаб ҳаракат ҳосил бўлади».

«Коперник ўз китобида тенгкунликларни олдиндан билиш ҳамда Меркурийнинг баъзи моделларини изоҳлаш учун ушбу геометрик қурилмани бир неча бор келтирган».

Ушбу диаграмма мана шу оптик иллюзиянинг сирини изоҳлаб беради. Бир

айлананинг ичида ҳаракатланаётган айлана бизга тўғри чизиқ бўйлаб айланаётгандек кўринади. Коперникнинг фикрича, сайёраларни кузатганимизда биз ҳам худди шу манзарани кўрамиз.

Коперник қуёш системасининг тузилишини кўплаб диаграммалар ёрдамида изоҳлаган бўлиб, Меркурийнинг ҳаракатини изоҳловчи диаграмма улардан биридир, холос. Бироқ, маълум бўлишича, ўта муҳим бу ғоянинг муаллифи Коперникнинг ўзи эмас экан. Ушбу диаграмма Ислом дунёсида бундан бир неча юз йил аввал пайдо бўлган экан.

«Бу диаграмма ат-Тусий жуфтлиги деб аталади. Уни XIII асрдаёқ машҳур Ислом астрономи, эронлик ат-Тусий таклиф қилган».

Агар унинг диаграммасини Коперникнинг китобидаги сурат билан ёнма-ён қўйсақ, европалик олимнинг ат-Тусий олдида нечоғлик қарздорлиги аён бўлади.

«Коперник бу мусулмон астрономи ҳақида эшитганми, йўқми, айтиш қийин. Бироқ аниғи шуки, унинг сайёралар модели Ислом олимнинг моделига икки томчи сувдек ўхшаб турибди. Бу ердаги биргина фарқ шуки, Ер ва Қуёшнинг жойлашуви ўзгарган, холос».

Бу кашфиёт қуёш системаси ҳақидаги бугунги тасаввурлар Ислом астрономларининг бир неча асрлик меҳнатларига асос эканлигига далолат қилади. Бу Европа Ренессанси таянган Ислом илм-фанига оид кашфиётлардан биргинаси, холос. Европаликлар мусулмонлардан фақат соф илмий тасаввурларнигина эмас, балки фалсафий қарашларни ҳам ўзлаштирганлар. Коперникнинг кашфиёти кўплаб мунозараларга сабаб бўлди, чунки у черковнинг Ер бутун коинотнинг марказида жойлашган, деган таълимотига зид эди. Кейинги низолар оқибатида пайдо бўлган секуляр рационализмни эса Ғарб ўзининг хизмати деб ҳисоблайди. Бироқ, Ислом оламида бу масала аввалбошдан ҳал қилиб қўйилган эди.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 30 ноябрь 03-07/9089-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

